



DILLARDA IYMONGA AYLAN – EY, VATANI

DO'STLIK HAYOTI

DO'STLIK TUMANI
HOKIMLIGINING IJTMOIY-
SIYOSIY GAZETASI
Gazeta 1971-yildan chiqqan boshlagan.

№ 6 (3401) 10-aprel, 2021-yil, shanba

ISSN -2012-9725

Bahosi erkin narxda

dustlikhayoti.uz

dustlik.hayoti@inbox.uz

Ёшларга оид давлат сиёсати



“ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ... МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Маҳаллий кенгашлардан сайланган депутатлар ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан сайёр учрашувларда муаммолари ўрганилиб, бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

7 апрел куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилоят ва Дўстлик туман Кенгашлари томонидан “Депутат ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Дўстлик туман ҳокими Шавкат Дарвишев ва бошқа депутатлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Дав-

лат дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тумандаги “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”даги ёшлар билан атрофлича суҳбатлашилди. Уларни қийнаётган масалаларга ечим изланди.

Тадбирда иштирок этган боғзорлик Махлиё Сафарова хунармандчиликнинг бешта тури бўйича фаолиятини йўлга қўйиши учун жой ва маблағ сўраб мурожаат қилди. Унга маҳалладан жой ва хунармандчилик фаолиятини йўлга қўйиши учун субсидия ажратиш бери-

ладиган бўлди.

“Чинобод” маҳалласида яшовчи Қодир Камолов олтига спорт тури бўйича ёшларга мураббийлик қилиб келаётгани, шогирдлари сони йил сайин ортиб бораётгани ҳақида гапирди. У спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур анжом ва жиҳозлар йўқлигини айтиб, амалий ёрдам берилишини сўради.

Мазкур мурожаат бўйича туман ҳокими маҳаллий бюджетдан 100 миллион сўм маблағ ажратиш берадиган бўлди.

Учрашувда Алишер Навоий маҳалласида яшовчи Зафар Ҳайиткуловнинг ҳам мурожаати ечимини топди. У Ҳиндистоннинг “Sambhran” технология институти вилоят

филиалида ўқиш истаги борлигини, бунинг учун 5 ойлик тайёрлов курсида таълим олишган 8 млн. сўм тўловини амалга ошириш лозимлигини айтиб, кўмак сўради.

3.Ҳайиткуловга 5 ойлик тайёрлов курсида ўқиши учун 8 млн. сўм маблағ маҳаллий бюджетдан тўлаб бериладиган бўлди.

Шунингдек, тадбир давомида ёшлар томонидан кредит олиш, ишга жойлашиш, субсидия ажратилиши, деҳқончилик қилиш учун ер олиш масалалари бўйича 15 та мурожаатлар тушди. Ушбу мурожаатларнинг барчаси ижобий ҳал этилишини Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ўз назоратига олишди.

Шунингдек, тадбирнинг иккинчи ярмида иштирокчилар “Sangzor tekstil” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ушбу кластер ҳозирда 440 та доимий ва 1500 та мавсумий иш ўринлари яратган. Келгусида яна янги ишлаб чиқариш лойиҳалари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда. Уларга тумандаги “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларни жойлаштириш режалаштирилган.

Нафиса ИСМАТОВА,
партия туман
Кенгаши аппарат
раҳбари.

ОТА-ОНА ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ҚАНДАЙЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?



Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги белгиланган бўлиб, бунда, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онанидан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзиде ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлиги белгилаб берилган.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенглиги кўрсатиб ўтилган.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярми миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки қўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

(Давоми 2-бетда)

СЕССИЯДА ТАЪЛИМ СОҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари Дўстлик тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси ўтказилди.

Сессия иши Халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши, таълим сифати ва тизимдаги учраётган муаммо ва камчиликлар юзасидан туман Халқ таълими бўлими мудири Мавлон Камоловнинг ҳисоботи билан бошланди.

Унда бугунги кунда таълим тизимида учраётган кўплаб муаммо ва камчиликлар тилга олинди. Хусусан, ўқувчилар ўртасида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар айтиб ўтилди. Шунингдек, битирувчилар билан ишлаш, уларнинг олий таълимга қамровининг ҳозирги ҳолати алоҳида таъкидланди. Бу борада раҳбарлар масъулиятини оширишга катта эътибор қаратилди.

Сессиянинг кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 11-банди ижросини таъминлаш бўйича тумандаги 7 та таълим муассасалари раҳбарлари ўзларининг таълим сифатини оширишга қаратилган дастури билан иштирокчиларни таништирди.

Туманда уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантиришга доир устувор вазифаларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисидаги масала сессиянинг сунгида кўриб чиқилди.

Масала бўйича Халқ депутатлари туман Кенгаши котибият мудири

Ислом Ҳазратов ахборот берди.

Таъкидланганидек, туманда “Халқпарвар” комиссиянинг фаолияти йўлга қўйилмоқда. Комиссиянинг асосий мақсади туман ҳокимлиги ҳамда масъул давлат идораларининг уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ажратиш, қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар руйхатини шакллантириш борасидаги ишлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилган иборат. Депутатлар 14 кишидан иборат комиссия таркибини тасдиқлади.

Баҳсларга бой ўтган сессия ишида депутатлар масалалар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилишди.

Сессияни Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Шавкат Дарвишев олиб борди.

Мухбиримиз.

...КИ ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГ ДЕК

Буюк саркарда Амир Темур таваллудининг
685 йиллигига бағишланади

Азиз ўқувчим, ота-онага, Ватанга, аждодларга бўлган муҳаббат фазилати фақат одамзотга берилган. Сизда онага муҳаббат, илк бор она сути таъмини ҳис қилганингизда, Ватанга муҳаббат эса шу тупроққа киндик қонингиз тўкилган ондаёқ илоҳий бир туйғу орқали жон жонингизга қадар сингдирилган. Фақат бунинг ҳис қилмаган, бу туйғуни туймаган бўлишингиз мумкин. Ҳаммамизга маълумки, ҳавонинг, яъни кислороднинг қадрини камаётганида билсак, Ватан туйғуси ҳам бизга ҳаводек муҳим. Ундан узоқлашсак, мусофирликни ҳис қилсак Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари қонимизда кўпиради.

Инсонийликнинг яна бир муҳим фазилатларидан бири юқорида айтганимиздек, аждодларга бўлган муҳаббат ва ҳурматдир. Бу туйғу эса ўз навбатида илм олмоқлик, ўрганмоқлик, таҳлил қилмоқлик, тушунмоқлик орқали пайдо бўладиган ноёб фазилатдир.

Зеро, буюк бобомиз Амир Темур айтганларидек "Ўқимокдан тўхтаган одам фикрлашдан тўхтади, фикрлашдан тўхтамоқ эса тирикликдан воз кечмоқ кабилар". Мадомики, шундай экан, бугун Сизлар билан тарихга назар солиб, дунёни лол қолдирган саркарда, беназир давлат арбоби Амир Темур ҳақида билмаганларимизни ўрганамиз.

1370 йил баҳор. Юртнинг барча беклари, нуфузли кишилари, оддий одамлар Балх шаҳрида тўпланиб, қурултойга тайёргарлик кўрдилар. Ўша йилнинг 9 апрел куни эртасида халқ Амир Темур номзодини ёқлаб овоз берди ва уни Турон ҳукмдори деб эълон қилди. Бу шарқона демократия эмасми? Амир Темур "Темур тузуқлари"да давлатнинг қонуний асосини яратди.

У "Куч - адолатда" шioriга амал қилган ҳолда қарийб 36 йил ҳукмронлик қилди, бунёдкорликка жуда катта эътибор қаратди, қаерга бормасин, вайрон бўлган жойларни обод қилишга интилди, олам кўрмаган жангу жадалларда ҳам ҳамиша қўли баланд келди ва дунёдаги туркий султонларнинг энг адолатлиси, энг улуғи, деган номга эришди.

Темур давлатни бошқаришга катта эътибор бериб, янги давлат тизими бўйича Девони бузругдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма тузди. Бу бошқармалар солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар - бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, суғориш тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланган. Ҳар бир девонда ким ва чиқимларни ҳисобга олиш, қайд этиш турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Амир Темур ўз давлатининг шон-шухрати учун унинг марказий қисми Булган Мовароуннаҳр, айниқса, пойтахт Самарқанднинг ободонлигига алоҳида аҳамият беради. Унинг ҳар бир зафарли воқеани, севинчли ҳодисани муҳташам меъморий обида барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистондан олиб келинган юзларча моҳир гишт терувчилар, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста-хунармандлари қаторида маҳаллий усталар ҳам мамлакатда гўзал иморату иншоотлар бино қилади.

Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қилди. Амир Темур Шаҳрисабзда отаси ва ўғли Жаҳонгирнинг қабри устига мақбара қурди, катта жоме масжидини бунёд этди. Шаҳрисабзда дунёга донги кетган машҳур Оқсарой қад кўтарди. Оқсарой-

нинг кошкор ва парчинкор пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, бизнинг иморатларимизга боқ», деган хитобнома битилган. Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий мақбарасини бино қилишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган.

Мўғуллар босқини давомида бутунлай вайрон этилган Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида ўзининг қадимги ўрнидан бирмунча жануброқда қайта қурилади. Шаҳар тевараги Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан юритилувчи олти дарвозали мустаҳкам янги қалъа девор билан ўраб чиқилади.

Шаҳар аркида Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар бино қилинди. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, гумбазлар ва деворлари зангори кошчилар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қоплангани учун у шундай ном билан шухрат топади. Кўксаройда хонларни подшолик тахтига ўтқиш маросими вақтида уларни оқ кигиз устига олиб ўтқизадиган тошдан тахт курси - Кўктош қўйилган эди. Булардан ташқари, аркада давлат девонхонаси, қурол-яроғлар ясайдиған устакхона ва аслаҳона, тангалар чиқариладиган зарбхона, қамқоҳона каби иморатлар жойлашган эди.

Самарқандда саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисидан эса боғ-роғлар барпо этилади.

1404 йилда Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихо Амир Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди. Худди шу даврда Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлари мажмуасидаги баъзи ажойиб мақбаралар, ҳозирги вақтда Бибиҳоним номи билан машҳур бўлган Жоме масжиди ва бошқалар бино қилинади. Бу даврда Самарқандда янги бинолардан ташқари турли-туман касбдаги хунармандлар маҳаллалари пайдо бўлади. Амир Темур бу маҳаллалардаги хунармандлар учун барча шарт-шароитларни яратиб берган эди.

Амир Темур ҳар қандай чигал муаммони ҳам сулҳ йўли билан тинч ҳал этишни маъқул кўрганлигини қайта-қайта такрорлаётимиз. Тузуқларда бу ҳақда "қайси ишни чорая тадбир билан битиришнинг илоҳи бўлса, унда қилич ишлатмадим" дейилади. Ёки Амир Темурнинг муваффақиятларидан яна бири шу эдики, у ҳамиша бирликини тарғиб этар ва бунга эришган ҳам эди: «Уч юз ўн уч асил зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитни атрофимга бирлаштирдим: бирлик-иттифоқлари шундай эдики, ҳаммалари гўё бир тандек эдилар». Амир Темур яна шундай дейди: «Мен ўзимга адолатли ва раҳмдил тўрт вазирни танладим. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Носириддин Маҳмуд ал-Аромий эди. Бу икки вазирга доимо мени кузатиб туришларини ва агар адолатсизлик қиладурғон бўлсам, дарҳол мени тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига инонсам ёки бегона кимса мулдини хиёнат қиладурғон бўлсам, дарҳол мени оғохлантиришларини таъкидлаб қўйдим».

Амир Темурдек буюк саркарда, жаҳон султони хато қилаётганини айтмоқлик ҳам катта жасорат. Аммо бу ҳикматли сўзлар ҳақиқат эди, азиз ўқувчи, буюк саркардани зийнатлаган ақли, тадбири, тафаккур олами эди.

Санобар ҚАЮМОВА,
Дўстлик туман Халқ таълими
бўлимнинг филология фанлари
методисти.

ОТА-ОНА ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ҚАНДАЙЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартлиги кўрсатиб берилган. Бу болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал қилинади.

Ота-онанинг вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан қатъий суммада тўланади.

Ота-онанинг болаларига ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Ота-она фавқулодда ҳолатларда боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она) дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ва унинг ташқарисидан пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади.

Чет эл валютасида олинган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий курси бўйича сўмларда ҳисобланиши белгилаб берилган.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болаларга бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда

манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлиги кўрсатиб ўтилган.

Ота-онаси вафот этганлиги оқибатида етим қолган вояга етмаган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш давлат томонидан тўлиқ амалга оширилади.

Вояга етмаган болани ота-онасидан олиш ва уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота ва онанинг ҳар бирдан мазкур бола фойдасига Оила Кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда алиментлар ундиради. Бунда ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисобварағида жамланади ва у вояга етганда тўланиши кўрсатиб берилган.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож вояга етган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, қариндошлари ва ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа шахслардан ўз таъминоти учун алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она, алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмалиги кўрсатиб берилган.

Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товланган шахслар Оила Кодекснинг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб берилган.

Фахриддин ТЎФИЛОВ,
Дўстлик тумани "Мадад"
ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош
мутахассиси.

Жамият

Туманимизда ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар ҳолидан хабардор бўлиш, уларни зарур воситалар билан таъминлаш ишларини доимий равишда олиб борилмоқда.

ИЖТИМОЙ КЎМАККА МУҲТОЖ КИШИЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМЛАР БЕРИЛМОҚДА

2016 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг "Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги низоми асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Унга мувофиқ жорий йилнинг биринчи чорагида тумандаги 26 нафар муҳтожлар шахсларга жами 19 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан реабилитация техник воситалари, кресло-аравачалари билан таъминланди.

Шундан, 10 нафарига ногиронлар аравачаси, 5 нафари эшитиш мосламаси, 3 нафари қўлтиқ-таёқ ва 8 нафар муҳтож шахслар ҳасаси таёқ билан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги "Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда туман ҳокимининг тегишли қарорига асосан туманда яшовчи 32 нафар ўзгалар парварига муҳтож ёлғиз кексалар рўйхатга олинган. Шундан, 9 нафар якка-ёлғиз кексаларга 3 ой давомида 8,7 млн. сўмлик 11 турдаги озиқ-овқат, 4 турдаги гигиеник ва 4 турдаги антисептик воситалари етказиб берилди.

Уларга 4 нафар ходимларимиз томонидан тиббий ва ижтимоий ёрдамлар кўра

сатиб келинмоқда. Бундан ташқари, ёлғиз кексаларнинг ҳар бири туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. Диспансер хулосасига асосан 2 нафар ёлғиз кексалар ҳасса билан таъминланган бўлса, 1 нафари учун Жиззахдаги сиҳатгоҳга йўлланма берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг "Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексаларни бепул санитария-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага асосан 2021 йил 1-чорак давомида тиббий ижтимоий хизматлар шўъбаси томонидан 27 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерларга саломатлигини мустаҳкамлаш учун бепул йўлланмалар ажратилди.

Шунингдек, Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 19 нафар ёлғиз кексалар туман ҳокимлиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. "Наврўз" байрами арафасида ҳам "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилганлар ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди.

Тумандаги ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга амалий ёрдам бериш ишлари давом эттирилмоқда.

Дилрабо ЖЎРАЕВА,
Дўстлик туман Тиббий ижтимоий хизматлар шўъбаси тиббий ижтимоий инспектори.

ҚРИМ-КОНГО ГЕМОГРАГИК ИСИТМАСИ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Геморрагик иситма – ҳарорат кўтарилиши, тери остига ва ички аъзоларга қон қуйилиши билан кечадиган, одамларда ва ҳайвонларда учрайдиган вирусли ўткир юқумли касалликлар гуруҳи ҳисобланади.

Геморрагик иситма касаллиги кўзгатувчиларининг манбалари уй ҳайвонлари, кемИрувчилар, қушлар, калтакесаклар, ҳашоратлар ва бошқалар ҳисобланади. Тиббиёт олимлари геморрагик иситма касалликларини эпидемиологик белгиларга кўра 3 гуруҳга бўлишади:

- каналар орқали юқадиган геморрагик иситмалар: Қрим-Конго геморрагик иситма, ОМСК геморрагик иситмаси;

- Чивинлар орқали юқадиган геморрагик иситмалар: сариқиситма, Денге геморрагик иситма, Чикунгуния геморрагик иситмаси;

- контагиоз зооноз геморрагик иситмалар: буйрак синдроми билан ўтадиган геморрагик иситмадир.

Бу касаллик турлари кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш бўлсада, касалликнинг авж олиши, ривожланиши, кўзгатувчиларнинг манбалари ҳамда юқиш йўллари билан бир биридан фарқ қилади.

Булар орасида минтақамиз ҳудудларида нисбатан кенг тарқалгани Қрим-Конго геморрагик иситмаси бўлганлиги боис мазкур касаллик ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Хўш, Қрим-Конго геморрагик иситмаси қандай касаллик?

Бу вирус кўзгатадиган, кўпинча чўл зоналарида учрайдиган ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланади. Мазкур касаллик қадимдан маълум бўлиб, бу билан фақат инсонлар касалланади. Баъзи ҳолатларда касаллик оғир кечиби, бемор органларидан қон кетиши натижасида ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун мамлакатимизда бу хавфли касаллик "қора халак" (қора

ўлим) номи билан кенг ёйилган.

Касаллик илк марта ба 1944 йилда Қримда, 1956 йилда Конго давлатида

аниқланганлиги учун тиббиёт соҳасига "Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги" номи билан киритилган. Асосан, Африка, Болқон, Яқин Шарқ ва Осиё давлатлари каби иссиқ иқлимли ҳудудларда учрайди.

Касаллик белгилари

Касалликнинг яширин даври неча соатдан 7 кунгача, ўртача 2-3 кун давом этади. Аксарият ҳолларда касаллик ўткир бошланиб, тана ҳароратининг кўтарилиши (30-40 С), баданининг совуқ қотиб қалтираши, бош оғриғи, дармон қуриши, мушакларнинг оғриши, баданда тошма тошиши, милк, бурун, ошқазон ичаклардан қон кетиши каби аломатлар билан намоён бўлади. Айрим аъзолар, буйраклар зарарланади, шу сабабдан бел қаттиқ оғриб, беморнинг халовати бузилади. Касаллик енгил кечганида бемор иситмалайди, лекин қон оқиши ва буйрак зарарланиши кузатилмайди.

Баъзи ҳолларда касаллик белгиларсиз ҳам кечishi мумкин, яъни баданда тошмалар тошмайди, қон талашлар кузатилмайди, органлардан қон кетмайди.

Қачон ва қандай йўллар билан юқади?

Йилнинг апрел, май, июнь ойларида касалликни кўпроқ учратиш мумкин. Унинг бундай мавсумийлиги каналарнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, касалликнинг 80 фоизидан кўпроғи 20-60 ёшдаги эркакларда учрайди. Республикада йилнинг майда шохли

ҳайвонларда учрайдиган каналар касаллик вирусини сакловчи ва ташувчилари ҳисобланади. Одамларда



каналарнинг чақиши қўларнинг кана қони билан ифлосланиши натижасида юқади. Соғлом одамга шу касаллик билан оғриган беморнинг қони, шунингдек, беморга тери бутунлигининг бузилиши билан кечадиган тиббий муолажалар (инфекция, инфузия, операциялар, қон олиш ва ҳоказо) орқали юқади.

Касалликни олдини олиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилинг:

- чўл ҳудудларидан, бозорлардан майда ва йирик шохли молларни каналарга қарши ишлов бермасдан уйга олиб келмаслик;

- молларда кана борлиги аниқланса, дарҳол ветеринария шифокорига мурожаат қилиб, тавсияси асосида каналарга қарши ишлов бериш;

- каналарни қўл билан эзиб, қайчи билан кесиб ўлдирмаслик;

- чорва моллари ва улар яшайдиган жойларни тўлиқ ва сифатли дезинфекция қилиш;

- қирқим вақтида фақат махсус кийим (қўлқоп, енг ва пойчалари мустаҳкам беркитиладиган шим, камзул, резина этик)лардан фойдаланиш;

- қирқим вақтида шахсий гигиена қоидаларига пухта амал қилиш талаб этилади.

Бобур ТУРДИМОВ,
туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Vazira TEMIROVA,
18-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchisi.

She'riyat qabul et

*Senda ulug'vortik-senda sadoqat,
Senda ulug'vortik-senda muhabbat
Qog'ozga bitaman qalbdagi so'zim
She'riyat qabul et men kabi qizing.*

*Qalbmida borini senga ochaman,
To'lg'in urayin ummoningda men.
Taftingda yonaman lek qolsin izim.
She'riyat qabul et men kabi qizing.*

*Senda Navoiyning iltijosi bor,
Sensan Uvaysiyning dilidagi or.
Sen bilan qalbmida yashaydi bahor.
She'riyat qabul et men kabi qizing.*

*Men bilan hamroh bo'l aytay dil so'zim
Sehrli dunyongni ko'rsin qalb ko'zim.
Kimlardir quvonsin dard chekay o'zim
She'riyat qabul et men kabi qizing.*

Onamni sog'inib

*Funda yulduzlarini sanab tonggacha
Quyoshni kutaman rujudim yonib.
Doim ko'z o'ngimda ma'sum chehrangiz,
Bedorman onajon sizni sog'inib.*

*Ko'zlarim oldida o'ychan ko'zingiz,
Ternulib boqaman mehridan qonib.
Qulog'im ostida shirin so'zingiz.
Fakrortay onajon, sizni sog'inib.*

*Qalbmida otashin muhabbatimni,
Sizga baxsh elaman azizim onam.
Yuvagim kemirgan har bir dardimni,
So'ylayman volidam sizni so'g'inib.*

*Qayerda bo'lmayin, qaylarda yurmay,
Ona mehringizla olaman nafas.
Baxtingiz siz borsiz kamchilik ko'rmay,
Yashayman doimo sog' bo'lsangiz bas.*

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҚАЙСИ МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?

Чет эл давлатлари тажрибасидан маълумки, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш кўп меҳнат ва маблағ талаб этади. Бунинг учун тадбирни молиялаштириш манбаларини аниқлаштириб олиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Юртимизда 2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини молиялаштириш, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясига мувофиқ, Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан таъқиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Молиялаштириш учун зарур маблағлар ҳажми

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва бошқа масъул идоралар ҳисоб-китоблари асосида, шунингдек, тендер савдолари ва тендер ҳужжатларини расмийлаштириш натижалари бўйича аниқланади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга, унинг материалларини қайта ишлаш-

га, натижаларини олиш ва эълон қилишга жалб этилган ходимларнинг меҳнати-га ҳақ тўлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар асосида амалга оширилади.

Маълумот тариқасида айтиш мумкинки, 2010 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига сарфланган харажатлар қиймати ўртача аҳоли жон бошига Тожикистонда 1,31 АҚШ долларини, Қирғизистонда 1,12 АҚШ долларини, Озарбайжонда 1,03 АҚШ долларини, Молдовада 2,15 АҚШ долларини, Россия Федерациясида 3,81 АҚШ долларини ташкил этган.

Анвар МАМИРОВ,
Дўстлик туман статистика бўлими бошлиғи.

АДЛИЯ ХАБАР ҚИЛАДИ

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари сони 15 фоизга қисқартирилади

Президент «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат birlikлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

2021 йил 1 майдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг сони 15 фоизгача мақбуллаштирилади ҳамда уларнинг янгиланган чекланган сони белгиланади.

Амалда:

мавжуд бошқарув ходимлари штат birlikлари сони - 43 969 та;

қисқартирилаётган штат birlikлари - 5 288 та;

Шундан:

давлат бюджети ҳисобидан мавжуд штат birlikлари сони - 39 925 та;

қисқартирилаётган штат birlikлари - 5 175 та.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан:

мавжуд штат birlikлари сони - 4 044 та;

қисқартирилаётган штат birlikлари - 113 та.

2021 йил 1 май ҳолатига бошқарув ходимлари штат birlikлари сони 38 681 та қолади.

Қарор асосида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилди. Унинг вазифалари ва ваколатлари Молия вазирлигига берилди.

Жиззахда халқаро умуммавсумий курорт ташкил этилади

«Зомин» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони (ПФ-6201-сон, 06.04.2021 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, қуйидагилар ташкил этилди:

- «Зомин» туристик-рекреацион зонаси;

- «Зомин» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси;

- Туристик зона ҳудудида «Суффа платоси. 2 400» халқаро умуммавсумий курорти ва «Ўриклисо» туризм мажмуаси.

- Туристик зона фаолият кўрсатиш мuddати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилга ташкил қилинади.

- 2024 йил 1 январга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларини ташкил этиш учун тадбиркорлар томонидан импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилади.

2 та ОТМда маданий мерос объектларини асраш факультети очилади

«Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ-5054-сон, 06.04.2021 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, Маданият вазирлигининг моддий маданий мерос соҳасидаги ЮНЕСКО билан ишлаш ҳамда музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ вазифа ва функциялари тегишлилигича Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлигига ўтказилди.

Туризм ва спорт вазирлигига ишга қабул қилиш Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари амалга оширилган келишувларни инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади.

Қарорга кўра, 2021/2022 ўқув йилидан:

Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида маданий мерос объектларини асраш факультетлари;

Бухоро архитектура ва қурилиш коллежида Маданий мерос объектларини асраш йўналиши очилади.

Шунингдек, Туризм ва спорт вазирлиги таъсисчилигида «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси ташкил этилади.

2021 йил давомида моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намоиш объектларида электрон тўлов, турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатишни, кириш билетларини олдиндан сотиб олишни назарда тутувчи ягона марказлашган электрон тизим жорий этилади.

2021 йил 1 сентябрга қадар мазкур тизим намуна сифатида Самарқанд шаҳрида йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ҳудудларда узоқ йиллар давомида шаклланган меъморчилик мактабларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида давлат муассасаси шаклида «Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси» ва босқичма-босқич равишда унинг минтақавий реставрация марказлари ташкил этилади.

АМИР ТЕМУР ўғитларидан

- Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

- Ақлли душман жоҳилу нодон дўстандан яхши.

- Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

- Яхшиларга яхшилик қилдим. Ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

- Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

- Ҳаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳаққини ҳалоллаган бўлади.

- Қилмоқчи бўлган ишларни қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

- Давлат- лашкарлару, фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.

- Бир кунлик адолат - юз кунлик тотат-ибодатдан афзал.

- Кам енглар-очарчилик кўрмасдан бой бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар- мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар-доно бўласизлар.

- Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгул хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

- Куч адоватда эмас, адолатда!

- Золимга қарши мазлум доди-

ИМТИҲОНДА

Domla: - Samalyotda 300 g'isht bor edi. Bittasi tushib ketdi. Nechta qoldi?

Talaba: - Albatta 299 qoladi.

Domla: - Ha to'g'ri. Tuyani 3 ta harakat bilan muzlatkichga qanaqilib joylimiz?

Talaba: - Birinchi muzlatkichni ochamiz, tuyani joylimiz, eshigini yopamiz.

Domla: - Ha to'g'ri. Sigirni 4 ta harakat bilan qanaqilib muzlatkichga joylaymiz?

Talaba: - Birinchi muzlatkich eshigini ochamiz, tuyani chiqazamiz, sigirni joylaymiz, eshigini yopamiz.

Domla: - Ha to'g'ri. Keying savol, o'rmon qiroli sher tug'ulgan kun o'tkazdi. Hamma hayvon bordi-yu bittasi bormadi. U

ga etdim. Zolim etkazgan moddiy va jismoniy zararlarini isbotlaganimdan кейин, уни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

- Сайидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим... Бузуқи ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

- Агар ғаним сипоҳидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай кимсага нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (паноҳ истаб) келганди, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

- Яна тажрибамдан шуни билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, унда салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, кўрган кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқади-ган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

- Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг камбағаллишига олиб келади, бу эса ўз навбатида сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади, бу ўз навбатида салтанатнинг кучсизлишига олиб боради.

- Агар ҳар ер ва элнинг оқсоқоллари фуқарога жабр-зулм қилса, етказилган зарар оқсоқолдан ундириб берилсин.

С.ҚАЮМОВА тайёрлади.

qaysi hayvon?

Talaba: - Albatta sigir borolmadi. Chunki, u muzlatkichda.

Domla: - Ha buyam to'g'ri. Chol tumsohli ko'ldan suzib o'ta oladimi?

Talaba: - Ha o'ta oladi. Chunki tumsoxlar sherni tug'ilgan kunida-ku.

Domla: - Ha bunisi ham to'g'ri. Lekin chol suzib o'tolmay cho'kib o'ldi. Nega?

Talaba: - Qariganligi uchun yarmida charchab qolib cho'kib ketgan.

Domla: - Yo'q topolmading. Cholni boshiga samalyotdan tushgan g'isht tushib o'ldi. Bor keyingi yili kelasan, imtihondan o'ta olmading.

ЭЪЛОНЛАР

Дўстлик туман Халқ таълими бўлимига қарашли 12-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995 йилда Сиддиқов Фарход Гуломович номига берилган АО № 074776 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Дўстлик туман Халқ таълими бўлимига қарашли 1- умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Эшмирзаева Дурдона Алим қизи номига берилган ТМ 0558138 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

DILLARDA IYMONGA AYLAN - EY, VATANI

DO'STLIK HAYOTI

DO'STLIK TUMANI HOKIMLIGINING UYUMIY-SIYOSIY QADRLARI

МАНЗИЛ: Дўстлик шаҳри, Дўстлик кўчаси 17-уй.
Телефон: (0372) 335-44-93.

БОШ МУҲАРРИР:
Бердиёр ҚОРАЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Амиркул Холматов, Махмуд Яхшиликков, Муҳаммад Исмоилов

Навбатчи Худойберди Мирҳосилов

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва Ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 25 декабрда 06-006 рақами билан рўйхатга олинган.

Ҳажми - 1 босма тобоқ. Қоғоз бичими А-3. Баҳоси келишилган нарҳда.

Адади 453 та. Буюртма № 167

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета Pentium-4 компьютеридеги териб саҳифаланди ва офсет усулида чоп этилди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Rastr Plus Print» МЧЖ босмахонаси масъул. Босмахона манзили: Жиззах ш., Сайилжойи кўчаси 4-уй. Телефон: (0-372) 226-40-41.